

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Мамлакатимизнинг шимолий минтақасида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари давлатга 185 минг тонна юқори навли пахта топшириб йиллик шартномавий режаларини бажаришди.
- Бухоро вилояти пахтакорлари ҳам қабул масканларига 360 минг тоннадан зиёд хом ашё etkazиб ўз шартномавий режаларини бажардилар. Ялли ҳосилнинг 100 фоизи биринчи навларга сотилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралари, Фарғона вилояти ҳокимлигининг раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси ва Фарғона вилоятдаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Халқаро муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг миллий ва стратегик манфаатларига мувофиқ ривожлантиришда парламент ва парламентлараро алоқаларнинг роли» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтининг «Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар якунилари бўйича тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда юридик хизмат роли ва фаоллигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.
- «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорликда «Қишлоқда турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари» мавзусида анжуман ўтказди. Тадбир олдидан қишлоқ шароитида ишлатиладиган маиший санитария-гигиеник ва бошқа халқ истеъмолчи моллари кўргазмаси ташкил этилди.
- Тошкентдаги «Ле Гранд Плаза» меҳмонхонасида Хиндистон республикасининг III Миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.
- Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг «Экология ва ёшлар» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 199 (10.756) Баҳоси эркин нарҳда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

- **БУГҮН** Мирзо Улуғбек туманидаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг маънавият ва тарғибот масалалари бўйича мутасаддилари иштирокида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, миллий ғоя тарғиботини аҳоли ўртасида кўчатириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбати «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими томонидан уюштирилди.
- **БУГҮН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйда «Миллий чолғу асбоблари оҳанги» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов Халқаро мусиқа кунига бағишланди.
- **ТОШКЕНТ** фармацевтика институтининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан ўтказилган тадбирда ўқитувчилар, талабалар, Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими вакиллари иштирок этишди.
- **ЎТГАН** кунини Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Камолот» ЕИХ Яққасарой туман бўлими Кенгаши аъзолари ва фаоллари шахримиздаги 21, 23, 24, 31-мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳузурида бўлиб, болажонларга эълоҳлик совгалари тухфа этишди.
- **БУГҮН** «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қўшидаги ўқув марказида Шайхонтоҳур тумани маҳаллаларида истикомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари учун компьютер саводхонлиги бўйича ўқув курсининг навбатдаги машғулотини уюштирилди.
- **БУГҮН** Учтепа туманидаги «Кўкча Октепа» маҳалласида маҳалла ахли иштирокида ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.
- **ЎТГАН** кунини Бектемир туманидаги «Нихол» спорт мажмуасида маҳаллаларнинг фаол аёллари, мактабларнинг юқори синф ўқувчи қизлари ўртасида туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан уюштирилган спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича мусобақалар Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.
- **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, ёшлар онгига миллий қадриятларни чуқурроқ сиғдириш масалаларига бағишлаб туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этишди.
- **ЎТГАН** кунини Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан тумандаги тиббий-муассасалари «Камолот» бошланғич ташкилотлари етакчилигида ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилди.
- **БУГҮН** Собир Раҳимов туманидаги «Дори-дармон» корхонаси» акциядорлик жамиятида «Маънавият ва тарғибот» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Миллий истиклол ғояси» деб номланди.
- **БУГҮН** Юнусобод туманидаги маҳаллаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан экологик ҳашар уюштирилди.
- **ЯҚҚАСАРОВ** туманидаги 91-мактабда «Камолот» ЕИХ туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан балоғат ёшидаги қизларни мустиқил хатга тайёрлаш масаласига бағишлаб тадбир ва «Аёл маънавияти» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.
- **БЕКТЕМИР** туманидаги 289-мактабда «Камолот» ЕИХ туман Сардорлар кенгашининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.
- **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Шарқ» наشريёт-матбаа концернини қўшидаги «Шарқ зейтери» китоб дўкони ҳамкорлигида уюштирилган «Китобхонлик ва китоб» мавзусидаги тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

«ЖАҲОНДА КИТОБДАН ЯХШИ ЁР БЎЛМАС», ДЕЯ ТАЪКИДЛАГАН БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗДАН БИРИ. ЧИНДАН ҲАМ ЯХШИ КИТОБ ҲИМОЯГА ҚАБИЛ



Иқтисодиёт

ХАРИДОРЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Юқоридаги таърифга амал қилган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг академик шоиримиз Фафур Фулом номи билан аталувчи Нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси ўқувчилар учун мактаб дарсликларини чоп этиш баробарида, бадий адабиётларни ҳам нашр қилиб китобхонларни ҳушнуд қилиш йўлида тинмай ишлатилмоқда. Маҳсулот сифатини таъминлаш учун эса замонавий техника ва технологиялардан, сифатли хом ашёдан самарали фойдаланилмоқда.



Янги ўқув йили бошларини олдиан корхонада чоп этилган 23 номдаги мактаб дарсликларини ўқувчилар қўлига етиб бори. Шунингдек, замонавий адабиётлар билан биргаликда мумтоз асарларни ҳам янгидан нашр этиб китобхонларга етказишга алоҳида эътибор қаратилганки, бу ёш авлодини ота-боболаримизнинг ўлмас меросига чуқур мухаббат руҳида тарбиялашга, миллий қадриятлари миз ва шарқона урф-одатларимизни мукамал билишига хизмат қилади. Китоблар ўзбек ва рус тилларида, шунингдек лотин алифбосидаги ўзбек ёзувида нашр этилаётганлиги китобхонлар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқади.

ЖАҲОНДА

- Фаластин мухториятининг ХАМАС ҳарбийлашган гуруҳи етакчилари жангарилар томонидан гаровга олинган Исроил армиясининг аскари Гилад Шалитни озод қилишга рози бўлишди.
- Буюк Британияда фуқароларда биометрик паспорт бериш бошланди. Режага кўра йил охирига қадар барча британияликлар маълумотларни электрон чипларда сақлайдиган ихчам янги паспортларга эга бўлишади.
- Россияда ягона овоз бериш кунини бўлиб ўтди. Илк бор электрон тарзда овоз бериш усули қўлланган ушбу тадбир давомида жойларда давлат думаси ҳамда маҳаллий кенгашларга депутатлар сайланди.
- Европа Иттифоқи ва АҚШ Америкага парвоз қилувчи Европа мамлакатлари йўловчилари тўғрисидаги маълумотларни АҚШга etkazиб тўғрисида келишиб олишди. Бу усул террорчиларга қарши самарали курашиш мақсадида татбиқ этилмоқда.
- Москвада таниқли тележурналист Анна Политковская ўз уйи йўлида номасъулум кимса томонидан ўлдириб кетилди. Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан кидирув ишлари кетаяпти.
- Хитойнинг Хайлуцзян провинциясидаги конлардан бирида содир бўлган портлаш оқибатида туннельларни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб бораётган 28 кончининг 9 нафари, шунингдек, портлашдан сўнг вазиятни аниқлаш учун нагста тушган кон раҳбари бедарак йўқолди.
- Испаниянинг Мадрид шаҳрида чим устида хоккей бўйича жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда Австралия жамоасини финалда енгган голландиялик хоккейчилар олтинчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритишди.
- Германиянинг Штутгарт шаҳрида ўтказилган мукофот жамғармаси 600 минг долларлик «Порше гран-при» нуфузли теннис мусобақасида жаҳоннинг еттинчи ракеткаси бўлмиш россиялик Надежда Петрова голиб чиқди.
- Ливанда россиялик тинчликпарвар кучларнинг базавий лагери очилди. Тинчликпарварлар уч ой давомида Ливандаги бузилган олтига кўприк ҳамда автомобил йўллари тиклаш билан шугулланишади.

«Tashkent open — 2006»

УТАГА ҚАЙТИШНИНГ МУБОРАК, ИРОДА!

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ТОШКЕНТ ТЕНИС» МАРКАЗИ» СПОРТ МАЖМУАСИДА WTA ТАРКИБИДАГИ «TASHKENT OPEN-2006» — ЖАҲОН ОЧИҚ ТУРНИРИНИНГ ФИНАЛ УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ХИТОЙЛИК ТЕННИСЧИ ТИАНТИАН СУН ТУРНИРНИНГ БОШ СОВРИНИНГ ҚўЛГА КИРИТДИ. ТўРТ БОСҚИЧДА ИКИТА САРАЛАНГАН ВА РЕЙТИНГ ЖИҲАТДАН ҲАЗИДАН ТўРТ-БЕШ МАРТАБА КУЧЛИ ТЕННИСЧИЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРГАН ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИРОДА ТўЛАГАНОВА ТУРНИР ФИНАЛЧИСИГА АЙЛАНДИ.



Ҳамюртимизнинг бу муваффақияти унинг WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси жамоасига қайтиши демокдир. Кеча бўлиб ўтган совриндорларни тақдирлаш ҳамда «Tashkent open-2006»-нинг расмий ёпилиш маросимларида айнан шундай фикр кўпчилик ташкилотчилар томонидан эътироф этилгани айниса аҳамиятлидир.

— Азим пойтахтимизда бундай нуфузли турнирларнинг аънавий тарзда ўтказиш келинаётгани Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида катта спорт мамлақати сифатида тан олинаётганини яна бир далилдир. Тошкент турнирларида кашф этилаётган янги-янги юлдузлар жаҳон спортининг тарихий саҳифаларидан муносиб ўрин эгаллаётгани, улар орасида ўзбекистонлик теннисчиларнинг ному ҳам борлиги бунга яққол мисолдир. — дея таъкидлаб ўтди турнирнинг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

(Давоми 4-бетда)

